



“ 26 ” январь 2018 у № 2

**“Якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли
харажатларини баҳолаш бўйича услубий низом”га
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича амалдаги услубиятни янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 22 июндаги 7-сон қарори билан тасдиқланган якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2018 йил 29 январдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2018 йил “ 26 ” субар
2 -сон қарорига
ИЛОВА

**Якка тартибдаги уй-жой ва ховли ҳудуди хўжалик қурилишларига
аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 2 бандда иккинчи хат боши олиб ташлансин;

2. Қуйидаги мазмундаги янги 9 банд қўшилсин:

“Биргаликда олиб бориладиган кузатувни ташкил қилиш 2017 йил 18 сентябрда Давлат статистика қўмитаси (2 сон) ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (4 сон) томонидан қўшма қарор билан тасдиқланган “Жисмоний шахслар томонидан янги қурилган, кадастр ҳужжатлари шакллантирилган якка тартибдаги турар ва нотурар жойлар тўғрисидаги статистик кўрсаткичларни Давлат статистика ҳисоботларида акс эттириш тартиби”га мувофиқ амалга оширилади;

3. 13-банднинг иккинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“Материал ресурслари ҳажми уй-жойлар қурилишида кўпроқ қўлланиладиган қурилиш материаллари ва уларнинг умумий ҳажмида энг юқори ўрин эгаллайдиганлари рўйхати бўйича шакллантирилади”;

3. 13-банднинг учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Меҳнат ресурсларининг умумий ҳажми қурилиш ишларининг асосий турлари бўйича ишлаб бўлинган иш кунлари сонини қўшиб чиқиш йўли билан аниқланади”;

6. 15 ва 16 бандлар олиб ташлансин;

7. Якка тартибдаги уй-жойлар ва ховли ҳудудида хўжалик қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий қўлланмага 2-илова олиб ташлансин.

ПРИЛОЖЕНИЕ
к Постановлению Государственного
комитета Республики Узбекистан по
статистике от “26” август
2018 года № 2

**О внесении дополнения изменений
в Методические положения по оценке фактических затрат населения на
строительство индивидуальных жилых домов и надворных хозяйственных
построек**

1. В пункте 2 исключить второй абзац:
2. Добавить пункт 9 следующего содержания:

“Организация совместного обследования осуществляется в соответствии с Порядком отображения статистических показателей в государственных статистических формах по вновь возведенным физическими лицами индивидуальным жилым и нежилым строениям (зданиям) в соответствии с оформленными кадастровыми документами, утвержденным 18 сентября 2017 года Государственным комитетом по статистике (№ 2) и Государственным комитетом по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру (№ 4)”

3. Пункт 13 второй абзац изложить в следующей редакции:

“Объем материальных ресурсов формируется по перечню основных строительных, наиболее часто применяющихся при строительстве жилья и занимающих наибольшие удельные веса в их общем объеме”;

3. Пункт 13 третий абзац изложить в следующей редакции:

“Общий объем трудовых ресурсов определяется путем суммирования количества отработанных человека-дней по основным видам строительных работ”;

4. Пункт 15 и 16 исключить;

5. Исключить Приложение №2 к Методическим положениям по оценке фактических затрат населения на строительство индивидуальных жилых домов и надворных хозяйственных построек.

“Якка тартибдаги уй- жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли

харажатларини баҳолаш бўйича услубий низом”

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низом якка тартибдаги уй-жой (ЯТУЖ) ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларини ҳисобот даврида баҳолаш механизмлари ва давлат статистика органларининг статистик амалиётида якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига инвестиция реал ҳажмларини аниқлаш ва асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажмларини ҳисоблаш учун тайёрланган.

2. Ушбу Низомни тайёрлашда 30.12.2006 йил 272-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳақидаги Низом”, 2009 йилдаги Давархитектқурилиш расмий нашри Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК 4.01.16-09) “Қурилиш қийматини шартномавий жорий нархларда ҳисоблаш қоидалари”, 1998 йил Россия Федерацияси давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий қўлланма”лардан фойдаланилди.

3. Мазкур услубий низом ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уй-жойларга нисбатан қўлланилмайди. Бундай турдаги уй-жойлар қурилишига кетган харажатлар тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

2. Ҳисоблашнинг ахборот асоси

4. Якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига кетган аҳоли харажатларини аниқлаш учун ахборот базаси қуйидагилар ҳисобланади:

а) йилда бир марталик кузатув ноябрь ойида январь-октябрь ҳолатига ишга туширилган якка тартибдаги уй-жойларнинг танлама кузатув натижалари;

б) якка тартибдаги уй-жойларнинг фойдаланишга топширилганлиги ҳақида статистик ҳисобот бериши;

в) қурилиш фаолиятини олиб боровчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ўртача иш ҳақи тўғрисидаги статистик маълумотлар;

г) ҳисобот давридаги қурилиш материаллари нархларининг кузатув натижалари.

5. Аҳолининг якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига кетган харажатларини баҳолаш ҳисобот даврида ишга туширилган уй-жой умумий майдонининг 1 метр квадратига тўғри келадиган қурилиш қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

6. Якка тартибдаги уй-жойлар умумий майдонининг 1 метр квадратига тўғри келадиган ўртача қурилиш қиймати 1-иловага мувофиқ равишда ҳисобот даврида январь-октябрь ҳолатига танлама кузатув натижалари асосида ишга туширилган уй-жойлар асосида аниқланади.

7. Кузатувдан мақсад – кузатув ўтказилган уйларнинг қурилишида фойдаланилган моддий ва меҳнат ресурсларини аниқлашдан иборат.

Кузатув ҳар бир туман (шаҳар)да ҳисобот даврида фойдаланишга топширилган якка тартибдаги турар-жойларнинг 10-15% ҳажмида ўтказилади.

Кузатув ҳар хил деворбоп материаллардан асосан: тошли (пишган ғишт, шлакоблок), хом ғишт ва бошқа деворбоп материаллардан (пахса, синч) қурилган уй-жойларни ўз ичига олади.

8. Кузатув сифатини янада ошириш мақсадида, қурилишда фойдаланилган материал ресурслар миқдорини аниқлаш учун “Ўздавергеодезкадастр” қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

9. Биргаликда олиб бориладиган кузатувни ташкил қилиш 2017 йил 18 сентябрда Давлат статистика қўмитаси (2 сон) ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (4 сон) томонидан қўшма қарор билан тасдиқланган **“Жисмоний шахслар томонидан янги қурилган, кадастр ҳужжатлари шакллантирилган якка тартибдаги турар ва нотурар жойлар тўғрисидаги статистик кўрсаткичларни Давлат статистика ҳисоботларида акс эттириш тартиби”**га мувофиқ амалга оширилади.

10. Ҳар-бир туман (шаҳар) бўйича алоҳида қурилиш турлари бўйича: тошли (пишган ғишт, шлакоблок), хом ғишт ва бошқа деворбоп материаллардан статистик ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

3. Уй-жойлар умумий майдонининг 1 метр квадрати қурилиши бозор қийматини аниқлаш тартиби

11. Ҳисобот даврида январь-октябрь ҳолатига ишга туширилган якка тартибдаги уй-жойларнинг девор материаллари турлари бўйича умумий майдони “Ўздавергеодезкадастр” қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари маълумотлари бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган қурилиши тугатилган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари далолатномалари асосида аниқланади. Ҳисобот даврида ишга туширилган якка тартибдаги уй-жойларнинг умумий майдони ҳақидаги маълумотларни “Ўздавергеодезкадастр” қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимларидан олинади.

12. Уй-жойларнинг тузилиш компонентлари бўйича 1 метр квадрати қиймати материал, меҳнат харажатлари, пардозлаш ишлари харажатлари (пардозлаш қурилиш

материаллари қийматларини қўшган ҳолда) ва санитар-техник жиҳозлар харажатлари (уларни монтаж қилиш ишларини қўшган ҳолда) йиғиндисидан ташкил топади.

13. *Материал ва меҳнат ресурсларини ҳажмлари кузатув натижаси асосида аниқланади.*

Материал ресурслари ҳажми уй-жойлар қурилишида кўпроқ қўлланиладиган қурилиш материаллари ва уларнинг умумий ҳажмида энг юқори ўрин эгаллайдиганлари рўйхати бўйича шакллантирилади.

Меҳнат ресурсларининг умумий ҳажми қурилиш ишларининг асосий турлари бўйича ишлаб бўлинган иш кунлари сонини қўшиб чиқиш йўли билан аниқланади.

14. *Материал харажатлари* ҳар бир қурилиш материали натура кўринишини ҳисобот даврида кузатув асосида олинган ўртача нархига кўпайтириш орқали топилади.

15. *Меҳнат харажатлари* қурилиш фаолиятини амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларини ҳисобланган меҳнат ресурслари ҳажмини ўртача иш ҳақига кўпайтириш натижасида қуйидаги формула бўйича шакллантирилади:

$$T = \frac{\Phi}{\text{Ч}} : 10 : 22$$

T – 1 иш куни қиймати;

Φ – рўйхатдаги ва рўйхатдан ташқари ходимлар иш ҳақи фонди;

Ч – ўртача иш ҳақи ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони;

10– ҳисобот давридаги ойлар сони;

22 – 1 ойдаги иш кунлари ўртача сони.

16. Ишга туширилган якка тартибдаги уй-жой 1 метр квадрат қийматининг ўртача ўрнатилган ўлчов бирлиги (**S**) ҳар бир турдаги ишга туширилган уй-жойларнинг 1 метр квадрати ҳисобланган қийматидан ва уларнинг жами ҳажмдаги улушидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади:

$$S = \sum (S_n \times D_n), \text{ бу ерда:}$$

D_n – деворбоп материалларнинг ҳар бир тури бўйича ишга туширилган уй-жойларнинг улуши.(удельный вес)

17. Якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли худуди хўжалик қурилишларига кетган аҳоли харажатлари уй-жойларнинг ишга туширилган умумий метр квадрат майдони (ҳисобот даври учун статистик ҳисобот маълумотлари бўйича аниқланади) ва ҳисобот

даври учун шу уй-жойларнинг 1 метр квадрат қийматининг ўртача ўрнатилган ўлчов бирлиги кўпайтма натижаси сифатида аниқланади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри микёсида ишга туширилган уй-жойлар 1 метр квадрати умумий қийматида материал ва меҳнат харажатларининг улуши 1 метр квадрат қийматининг ўртача ўрнатилган ўлчов бирлиги асосида аниқланади.

Якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг нарх ошиши индексларини ҳисоблашда олинган улушдан фойдаланилади.

4. Якуний қондалар

19. Якка тартибдаги уй-жойлар ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли харажатлари йилда бир марта январь-октябрь ҳолатига ҳисобланади.

20. Асосий деворбоп материалларнинг ҳар бир тури бўйича 1 метр квадрати кузатув маълумотлари жамланмаси бўйича ҳисобланади.

Якка тартибдаги уй-жойлар
ва ховли худуди хўжалик қурилишларига
аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича
услубий низомга 1-ИЛОВА

Якка тартибдаги уй-жой умумий майдонининг 1 метр
квадрати қурилиши бозор нархларидаги қийматини аниқлаш схемаси

